

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
«МЕҲНАТ ВА АТРОФ МУҲИТ МУХОФАЗАСИ»**

КАФЕДРАСИ.

**5850200-“Экология ва табиатдан фойдаланиш” йўналиши
талабалари учун Битирув малакавий ишини бажариш бўйича**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Жиззах-2009йил

**Тузувчилар: Катта ўқитувчилар Қўчқор Ўралович Такабоев
Умурқул Бобомуродов**

Тақризчилар: Жамолова Раъно- Жиззах вилоят “Сув оқова корхонаси”
лаборатория мудираси.

Ахмедов Саъдулла- “Мва АММ” кафедраси катта ўқитувчиси

Ушбу услубий қўлланма “М ва АММ” кафедрасининг 2009 йил 10 февралдаги
№10 сонли қарори билан тасдиқланган

Ушбу услубий қўлланма “Қурилиш” факультетининг 2009 йил_____ даги
№__ сонли қарори билан тасдиқланган

АННАТОЦИЯ

Ушбу услубий кўлланма “Экология ва табиатдан фойдаланиш” йўналиши бўйича битирув малакавий ишини бажаришга мулжалланган булиб бунда хозирги куннинг энг долзарб муоммоларидан бўлган оқова сувларни тозалаш ва унинг табиатга бўлган таъсирини экологик нуқтаи назардан камайтиришдан иборатдир. Бунда оқова сувларни тозалаш станцияси унинг технологик жараёни хусусан механик, биологик ва физико- кимёвий тозалаш усуллари мисол тариқасида кўрсатилган. Ушбу услубий кўрсатмадан оқова сувларни тозалаш йўналиши бўйича хизмат кўрсатаётган мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Оқова сувларнинг атроф мухитга таъсириникамайтириш мақсадида бажариладиган битирув малакавий иши «Канализация сувларини тозалаш технологияси» кисмидан булиб, «Экология ва табиатдан фойдаланиш» мутахассислиги талаблари учун мухим ахамиятга эгадир. Оқова сувларини тозалаш иншоотларини лойихалашда, аввало аходидан, саноат корхоналаридан чикадиган сув таркиби чукур урганиб, анализ килинади.

Ушбу услубий кўрсатмада канализация сув тозалаш иншоотларининг техник жихозланиши, бар бир механик, биологик сув тозалаш иншоотлари, чукмани кайта ишлаш иншоотлари, иншоотлар баландлик схемалари каби асосий тушунчалар кайд этилган.

1. «Оқава сувларини тозалаш» булими буйича бажариладиган Битирув ишининг таркиби куйидагича:

1. Кириш.
2. Аҳолидан ва саноат корхоналаридан чиқадиган канализация сувларининг таркиби ва куйиладиган талаблар.
3. Бажариладиган битирув малакавий иши.
4. Дастлабки маълумотлар.
5. Келтирилган аҳолии сони.
6. Канализация сувларини тозалаш усули, иншоотлар хисоби. Решетка.
7. Кум тутгич иншоотлари. Аэрируемый кум тутгич хисоби.
8. Бирламчи тиндиргичлар хисоби. Радиал тиндиргич.
9. Биологик сув тозалаш иншоотлари. Аэротенка хисоби.
10. Иккиламчи радиал тиндиргич хисоби.
11. Зарарсизлантириш.
12. Аралаштиргич хисоби.
13. Контакт резервуари.
14. Чукмани кайта ишлаш иншоотлари. Зичлаш иншоотлари хисоби.
15. Метант ёнка хисоби. Газгольдер хисоби.
16. Бош режа ва тозалаш иншоотларининг баландлик схемаси.
17. Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

2. Аҳолидан ва саноат корхоналаридан чиқадиган канализация сувларининг таркиби ва уларга куйиладиган талаблар.

Оқова сувларни дарё, сув хавзаларига чиқариш Давлат санитар текшируви рухсатидан сунг амалга оширилади. Оқова сувларни чиқариш жойи хужалик ичимлик эҳтиёж учун қурилган: сув қабул қилиш иншоотларидан, чумилиш жойларидан, дам олиш жойларидан, аҳолии пунктларидан-1 км узокликда яъни дарёнинг қуйи қисмида жойлаштирилиши лозим.

Сув хавзасига куйиладиган талаблар:

1. Сув хавзасига оқова сув аралаштирилгандан сунг, сув таркибидаги эриган қислород миқдори йил давомида-4 мг литрдан кам булмаслиги керак.
2. БПК тул.-қислородининг биохимик истеъмоли-20 С да 3-6 мг литрдан ошмаслиги керак.
3. Оқова сув хавзасига аралашгандан сунг, қалқувчи қуйқа миқдори-0,25; 0,75 мг литрдан ошмаслиги керак.
4. Сув ҳиди ва таъми-3 баллдан ошмаслиги керак.
5. рН қурсатгичи 6,5 рН 8,5.
6. Захарли нарсалар булмаслиги керак.

7. Сув юзасини сузувчи нарсалар парда ва дог куринишида копламаслиги керак.

Ахолии пунктларидан чикадиган окова сувлар асосан **3 хил** усул билан кайта ишланади.

1. Механик. 2. Физик-химик. 3. Биологик.

Окова сув таркибидаги бактериал ифлосланишлар эса дезинфекция ёки зарарсизлантирилади.

1. Механик кайта ишлаш усулида сувнинг таркибидаги эримайдиган дагал-дисперс нарсалар: ажратиб олиш, тиндириш ва филтirlаш каби усуллар билан амалга оширилади.

Йирик ифлосликларни ажратиш учун сув йулига решетка, ситалар урнатилади. Решеткадан утган лекин сув зичлигидан огир нарсалар тиндириш усули билан ажратиб олинади. Сув зичлигидан кичиклари сув юзасига калкиб чиқади.

Калкувчи минерал заррачалар асосан кумлар чуқтириш усули билан кум тутгич иншоотларида ажратиб олинади.

Асоси майда, кичик куйкалар органик характерли моддалар сув таркибидан тиндиргич иншоотларида тутиб қолинади.

Сувдан енгил моддалар яъни ёг, мой, смола ва бошка сузиб юривчи моддаларни ажратиб олиш учун махсус ёг ушлагич, мой ушлагич, нефть ушлагич каби курилмалардан фойдаланилади.

Маиший окова сувлар таркибидаги ёгларни ажратиб олиш хозирги кунда тиндиргич иншоотларда кабул килинган махсус курилмалар ёрдамида амалга оширилади, филтirlанади ёки сеткалардан утказилади. Филтirlар асосан ишлаб чиқаришда кулланилади.

Механик кайта ишлаш усули биологик кайта ишлашнинг дастлабки кисми булиб хисобланади.

2. Физик-химик усулда окова сувга махсус реагент яъни коагулянт ёки флокулянтлар аралаштирилади. Бу усул ёрдамида калкувчи куйкаларнинг чиқиши жадаллаштирилади. Бундай усул асосан ишлаб чиқаришда захарли бирикмаларни ёки бошка хилдаги бирикмаларни ажратиб олиш учун кулланилади.

3. Биологик усул билан сувнинг таркибидаги органик ифлосланишлар, микроорганизмлар ажратиб олинади. Бу усул **2 турга** булиниб урганилади.

а. Табиий шароитдаги биологик иншоотлар.

б. Сунъий шароитдаги биологик иншоотлар.

Табиий шароитдаги биологик кайта ишлаш иншоотларига майдон субор, майдон филтrацияси киради.

Сунъий шароитдаги биологик кайта ишлаш иншоотларга аэротенка, биофилтirlар, аэрофилтirlар. Бундай иншоотларда сувни кайта ишлаш жадал олиб борилади. Чунки микроорганизмларнинг ривожланиши, юксалишига яхши шароит яратилади.

Окова сув таркибидаги ифлосланишлар физик куринишига кура **3 турга** булиниб урганилади.

а. Эримайдиган нарса: сув таркибида учрайдиган йирик калкувчи заррачалар-суспензия, эмульсия курунишидаги 0,1 мкм улчамга эга заррачалар.

б. Коллоид заррачалар $D=0,1-0,001$ мкм.

в. Эрийдиган заррачалар, яъни молекуляр дисперс курунишидаги заррачалар $D=0,001$ мкмдан кичик.

Окова сув ифлосланишларининг асосий куйидаги турлари мавжуд:

1. Минерал. 2. Органик. 3. Бактериал. 4. Биологик.

- Минерал ифлосланишларга – кум, тупрок заррачалари, минерал туз арашмалари, минерал масла, темир, калций, магний, кремний, калий ва неорганик моддалар киради.

- Органик ифлосланишларга – усимлик колдиги, мева, когоз, масла ва шунингдек инсон ва хайвонларнинг физиологик чикиндилари ва клейли моддалар киради. Бундай ифлосланишларнинг асосий химик элементи булиб углерод хисобланади. Бундай ташкари сувнинг таркибида фосфор, водород ҳам учрайди.

Бактериал ва биологик ифлосланишларга турли микроорганизмлар, бактериялар, майда сув усимликлари, касаллик таркатувчи бактериялар паратифлар киради. Бундай ифлосланишлар асосан турли тери махсулотларини кайта ишлаш корхоналарида, биофабрика окова сувларида учрайди.

Окова сувларни кайта ишлаш жараёни практикасида шу нарса кузатилдики, умумий ифлосланишнинг 42% ни минерал, 58% ни органик ифлосланишлар ташкил этади.

Окова сув таркибидаги эримайдиган куйкалар-дагал дисперс.

Йирик куйка курунишида ва юпка дисперс холатида суспензия, эмульсия учрайди. Эримайдиган куйкаларнинг когоз филтрларда ушланган кисми – калкувчи куйкалар дейилади. Куйка массаси 105 С д киздириш натижасида аникланади.

Маиший окова сув таркибидаги калкувчи куйкалар микдори одам бошига 65 г ни, шундан чикувчи куйка микдори 35-50 г ни ёки уртача 40 г ни ташкил этади. Бу 40 г умумий массанинг 60-70 % ни ташкил этади.

Чикувчи куйка концентрацияси 1 кишига окова сув нормасига боглик холда кабул килинади.

Агар 1 киши нормаси 200л/сут. булса, куйка концентрацияси $35 \cdot 1000 : 200 = 175$ дан $50 \cdot 1000 : 200 = 250$ мг/л ораликда булади. Одам бошига тугри келадиган калкувчи куйка массасининг 2г.и решетка, 12 г.и эса кум тутгич иншоотида учрайди. Бизга маълумки эримайдиган куйкалар – окова сув таркибида органик ва неорганик кисмлардан иборат булади. Бу 2 хил чукма массасини аниклашда, чукма бирламчи 105 С да, иккиламчи 600 С да киздирилади. Бунда чукманинг органик кисми ёниб, неорганик кисми колдик курунишида колади. Бу чукма колдиги деб аталади. Ёниб кетган кисми – колдиксиз куйка дейилади.

Маиший окова сув чукмаларида колдик массаси 20-30% чегарада, колдиксиз чукма куйкалари эса 70-80% масса оралигида узгаради. Сув хавзаларида ва окова сув таркибидаги органик ифлосланишлар, эриган ва чукмайдиган калкувчи коллоид заррачаларининг ифлосланганлик курсатгичи

кислород микдори билан аникланади. Бу кислороднинг биохимик истеъмоли (БПК) деб аталади.

Кислороднинг концентрацияси-мг/литр, г/м ларда улчанади. БПК анализи, окова сувнинг 20 С да кислород микдори улчанади. Шунингдек БПК олдинги барча иншоотларда тутиб колинмаган коолоид, эриган холдаги ифлосланишлар, эрмайдиган куйкаларни ажратиб олиш учун яъни оксидлаш жараёни учун зарур буладиган БПК кислород микдорини аниклаб беради. Окова сув таркибидаги БПК микдори 5 кунлик, 20 кунлик анализ оркали аникланади.

Маиший окова сувлар учун 1 чи кунни 21 %, 5 чи кунда 87,5 %, 20 кунда 100 % кислород керак булади.

Хозирги кунда 100 % кислород керак булади.

Хозирги кунда БПК дан ташкари ХПК дан кенг куламда фойдаланилмокда. ХПК органик бирикмаларини-йодат калий ва хром кислотаси билан аралаштириб киздирилади. Натижада бу аралашма уз кислородини оксидлаш жараёни учун беради. БПК 20 кунлик маиший окова сувлар таркибида ХПК-85 % ни ташкил этади.

3. Бажариладиган битирув малакавий ишининг хажми.

Битирув малакавий ишининг хажми 3-4 стандарт форматидаги А-24 листи хажмида бажарилади. Изох хати куйидаги тартибда тулдирилади.

1. Дастлабки маълумотлар.
2. Кириш. Кабул килинган иншоотлар изохи.
3. Хаар бир кабул килинган иншоотлар хисоби ва схемаси.
4. Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

Аввало хисоблаш ишларига боглик холда сувни кайта ишлаш иншоотлари стандарт миллиметровкага М 1:500 микесда чизилади. Станция бош режасида асосий автомобил йуллари, иссик-совук сув тармоги, электр тармоги, кукаламзорлар, ошхона, омборхона, техник хизмат курсатиш бинолари, гаражлар, козонхоналар, асосий ва ёрдамчи насос станциялар ва хокозолар курсатилиши лозим, шунингдек лаборатория, ёрдамчи хужалик бинолари. Изох хати 70-80 бетни ташкил этади.

АХОЛИ ПУНКТИ ОКОВА СУВЛАРИНИ КАЙТА ИШЛАШ ИНШОТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ.

4. Дастлабки маълумотлар:

1. Бир кишидан чикадиган окова сув микдори:
1рай.-200 л/сут; 2рай.-300 л/сут; 3рай.-400 л/сут;
2. Аҳолии сони:
1рай.-22167 киши; 2рай.-25000 киши; 3рай.-2500 киши. Умумий аҳолии сони – 72167 киши.
3. Шунингдек аҳолии пунктида 3 саноат корхонаси мавжуд.
3.1. Окова сув микдори:

1. С.корхона $Q=1000$ м/сут; 2. С.корхона $Q=1500$ м/сут; 3. С.корхона $Q=2200$ м/сут.

4. Сув таркибида аралашмалар микдори:

К.к $C=150$ г/м; $C=300$ г/м; $C=190$ г/м.

БПК 20 $L^I=200$ г/м³; $L^{II}=140$ г/м³; $L^{III}=260$ г/м³.

Кайта ишланган окова сувларни сув хавзасига чиқаришда куйидаги маълумотлар кузда тутилади.

5. Сув хавзасида сувнинг уртача ойлик микдори, 95% ли таъминотда;

$$Q = 20 \text{ м}^3/\text{с}.$$

6. Хисобланган участкадаги сув харакатининг уртача тезлиги;

$$V = 0,35 \text{ м}^3/\text{с}.$$

7. Хисобланган участкадаги уртача чуқурлик;

$$H = 1,1 \text{ метр}.$$

8. Окова сувни чиқариш жойидан то хисобли участкагача булган масофа;

$$\ell_{\phi} = 9560 \text{ метр}$$

$$\ell_{\tau} = 8100 \text{ метр}$$

9. Сув хавзасидаги калкувчи куйкалар микдори то окова сув кушилгунга кадар;

$$К.К \quad C_g = 19 \text{ г/м}^3$$

$$БПК 20 \quad L_g = 3 \text{ г/м}^3$$

10. Ёз пайтида дарё сувининг уртача температураси;

$$t = 15 \text{ С}.$$

11. Сув хавзасидаги эриган кислород микдори то окова сув кушилгунга кадар;

$$Q_g = 6 \text{ г/м}.$$

12. Станция кабул киладиган максимал соатдаги окова сув микдори;

$$q = 1,973 \text{ м}^3/\text{сек}.$$

Хисоб ишларини бошлашдан олдин хар бир ахолии пункт ива саноат корхоналарида чиқадиган окова сув микдорлари аникланади ваш у курсаткичлар асосида куйидаги жадвал тузилади.

Жадвал № 1.

Т/р №	$Q_{\text{кун}}^{\text{урт}}$ (м ³ /кун)	$Q_{\text{кун}}^{\text{макс}}$ (м ³ /кун)	$Q_{\text{кун}}^{\text{мин}}$ (м ³ /кун)	$Q_{\text{соат}}^{\text{урт}}$ (м ³ /соат)
1р				
2р				
3р				
с.р				

5. Келтирилган ахоли сони.

1. Окова сувларнинг ифлосланиш курсаткичи куйидаги формулалар билан аникланади;

Калкувчи куйка;

$$C_{\text{ен}}^I = \frac{3_1 \cdot 1000}{n} = \frac{65 \cdot 1000}{200} = 325 \text{ г/м}^3;$$

$$C_{en}^{II} = \frac{3_2 \cdot 1000}{n} = \frac{65 \cdot 1000}{300} = 216,7 \text{ г/м}^3;$$

$$C_{en}^{III} = \frac{3_3 \cdot 1000}{n} = \frac{65 \cdot 1000}{400} = 162,5 \text{ г/м}^3;$$

БПК буйича;

$$L_{en}^I = \frac{3_1 \cdot 1000}{n} = \frac{40 \cdot 1000}{300} = 133,3 \text{ г/м}^3;$$

$$L_{en}^{II} = \frac{3_2 \cdot 1000}{n} = \frac{40 \cdot 1000}{200} = 200 \text{ г/м}^3;$$

$$L_{en}^{III} = \frac{3_3 \cdot 1000}{n} = \frac{40 \cdot 1000}{400} = 100,0 \text{ г/м}^3;$$

бу ерда: 3_1-3_2 – 1 кишига тугри келадиган куйка ва БПК лар микдори г/сут.
 n – 1 кишига тугри келадиган окова сув микдори г/сут.

2. Маиший ва ишлаб чикариш окова сувларнинг аралашган холатдаги ифлосланиш концентрацияси куйидаги формула билан топилади;

$$C_{en}^{YM} = \frac{\sum(C_i \cdot Q_i) + \sum(C_{npi} \cdot Q_{npi})}{\sum Q_i + \sum Q_{npi}} =$$

$$= \frac{325 \cdot 32520 + 216,7 \cdot 39012 + 162,5 \cdot 72000 + 150 \cdot 1000 + 300 \cdot 1500 + 190 \cdot 2200}{32520 + 39012 + 72000 + 1000 + 1500 + 2200} = 214,1 \text{ г/м}^3;$$

$$L_{en}^{YM} = \frac{\sum(L_i \cdot Q_i) + \sum(L_{npi} \cdot Q_{npi})}{\sum Q_i + \sum Q_{npi}} =$$

$$\frac{20 \cdot 32520 + 133,3 \cdot 39012 + 100 \cdot 72000 + 200 \cdot 1000 + 140 \cdot 1500 + 260 \cdot 2200}{32520 + 39012 + 72000 + 1000 + 1500 + 2200} = 134,2 \text{ г/м}^3;$$

бу ерда: C_i-C_{npi} – маиший ва ишлаб чикариш окова сувларининг ифлосланиш концентрацияси г/м.

Q_i-Q_{npi} – маиший ва ишлаб чикариш к.р.чикадиган уртача кунлик окова сув микдори м/сут.

3. Ишлаб чикариш окова сувларининг умумий окова сувга таъмисири келтирилган аҳолии сонига боглик холда аникланади;

$$N_{кел} = N_{хак} + N_{эқв};$$

ишлаб чикариш окова сувлари тартибида ифлосланиш билан бир хил курсаткичга эга булган аҳолии пунктидаги аҳолини – эквивалент аҳолии сони деб хисоблаймиз.

К.куйка буйича;

$$N_{\text{экв}}^{\text{КК}} = \frac{\sum(L_{\text{при}}^1 \cdot Q_{\text{при}})}{65} = \frac{150 \cdot 1000 + 300 \cdot 1500 + 190 \cdot 2200}{65} = 15662 \text{ киши}$$

$$N_{\text{экв}}^{\text{БПК}} = \frac{\sum(L_{\text{при}}^1 \cdot Q_{\text{при}})}{40} = \frac{200 \cdot 1000 + 140 \cdot 1500 + 260 \cdot 2200}{40} = 24550 \text{ киши}$$

4. Окова сувларнинг аралашуу курсаткичларини аниклаш.

Окова сувларнинг сув хавзаси сувлари билан аралашуу – аралашуу коэффициентини билан яъни В.А.Флоров ва И.Д.Родзиллер усули билан аникланади;

$$N_{\text{куй}}^{\text{КК}} = 72167 + 15662 = 87829; \quad N_{\text{кеп}}^{\text{БПК}} = 72167 + 24550 = 96717;$$

$$a = \frac{1 - \ell^{-d} \sqrt[3]{\ell_{\phi}}}{1 + a \cdot \ell^{-d} \sqrt[3]{\ell_{\phi}}} = \frac{1 - 2,718^{-0,175} \sqrt[3]{9560}}{1 + 20 \cdot 2,718^{-0,175} \sqrt[3]{9560}} = 0,78$$

бу ерда; ℓ - натурал логарифм; $\ell = 2,718$.

d – аралашуу гидравлик факторини билдирувчи коэффициент.

$$d = \frac{\gamma \cdot \zeta \sqrt{E}}{q} = \frac{1,18 \cdot 1,5 \sqrt{0,0019}}{1,973} = 0,175;$$

$$\gamma - \text{коэффициент,} \quad \gamma = \frac{\ell_{\phi}}{\ell_{\text{тур}}} = \frac{9560}{8100} = 1,18$$

ζ -окова сувларни сув хавзасига чиқариш жойини характерловчи коэффициент киргокдан чиқариш усули - $\zeta = 1,0$

$$- \zeta = 1,5$$

E – коэффициент М.В.Потапов формуласи билан аникланади;

$$E = \frac{V_{\text{урт}} \cdot H_{\text{урт}}}{200 \cdot 200} = \frac{0,35 \cdot 11}{200} = 0,0019$$

бу ерда; $V_{\text{урт}}$ – хавзасидаги сувнинг тезлиги м/с.

$H_{\text{урт}}$ – сув хавзасининг уртача чуқурлиги – м.

Аралашуу коэффициентини куйидагича аникланади;

$$n = \frac{a \cdot Q + q}{q} = \frac{0,78 \cdot 20 + 1,973}{1,973} = 8,91.$$

5. Окова сувларни кайта ишлаш курсаткичини аниклаш.

Калкувчи куйка буйича окова сувларни кайта ишлаш курсаткичи куйидагича аникланади;

$$\xi = \frac{C_{\text{ен}}^{\text{ум}} - m}{C_{\text{ен}}^{\text{ум}}} \cdot 100\% = \frac{214,1 - 21,22}{214,1} \cdot 100\% = 90,1\%.$$

бу ерда; m – сув хавзасига чиқариладиган окова сув таркибидаги келгуси куйкаларнинг рухсат этилган чегараси ва у куйидаги формула билан топилади;

$$m = r \cdot (a \cdot Q + 1) + v = 0,25 \cdot (0,78 \cdot 20 + 1) + 19 = 21,22 \text{ г/м}^3$$

бу ерда; r – окова сув дарё суви билан аралашгандан сунг, сув таркибидаги калкувчи куйкаларнинг ошишининг рухсат этилган чегараси; $r = 0,25$: 0,75,

v – дарё сувидаги калкувчи куйка микдори, аралашуудан олдин г/м^3 .

БПК буйича окова сувларни кайта ишлаш курсаткичи куйидаги формула билан аникланади;

$$\Xi = \frac{L_{en}^{ym} - L_{ex}}{L_{en}^{ym}} \cdot 100\% = \frac{134,2 - 4,51}{134,2} \cdot 100\% = 96,6\%.$$

бу ерда; $L_{ex} = \frac{a \cdot Q}{q \cdot 10^{-K_{ст,Т}}} (L_{npdon} - L_p \cdot 10^{-k_p \cdot T}) + \frac{L_{np} \cdot Don}{10^{-K_{ст,Т}}} = 4,51 \text{ г/м}^3$.

$K_{ст}$; K_p – дарё ва окова сувнинг кислород билан туйинар тезлиги. Бу тезлик сувнинг ифлосланганлиги ва сув температурасига боғлиқ холда кабул килинади.

Сув температураси – 20^0C да, $K_{ст} = 0,1$.
 $K_t = K_{20} \times 1,047^{t-20}$

Хисоблаш ишлари учун; $K_{ст} = 0,1 \times 1,47 = 0,069$
 $K_p = 0,1 \times 1,047 = 0,079$

L_{p2} – дарё суви билан окова сув аралашмаси БПК рухсат етилган микдори – г/м^3 .
 $L_{p2} = 3-6 \text{ г/м}^3$.

T – хисобли участкаси аралашуш вақти.

$$T = \frac{t_{\phi}}{V_{урт} \cdot 86400} = \frac{9560}{0,35 \cdot 86400} = 0,31 \text{ сут.}$$

6. Канализация сувларини тозалаш технологияси, иншоотлар хисоби. *Решетка хисоби.*

Решетка хисоби – решетка курулмаси урнатиладиган канал улчами, решетка сони, решетка стерженлар оралиги, напор йуқолиши каби курсаткичларнинг аниқлаш хисобига бажарилади. Кунлик кабул килинадиган окова сув микдорига боғлиқ холда решетка маркаси куйидаги 3.3 жадвалдан кабул килинади.

1. Решетка ишчи юзаси куйидаги формула билан аникланади;

$$F = \frac{q}{V_p} = \frac{1,973}{0,9} = 2,19 \text{ м}^2$$

бу ерда; q – окова сув микдори – $\text{м}^3/\text{с}$.

V_p – сувнинг решетка стержинлари оралигидан утиш тезлиги – $0,8-1,0 \text{ м}^3/\text{с}$.

3.3. жадвалдан 1 та ишчи решетка кабул киламиз, маркаси МГ 5т. Хар бир стержен оралигининг майдони – $2,10 \text{ м}$. Кушимча равишда 1 та резерв решетка хам олаамиз.

Кабул килинган решетканинг асосий курсаткичлари;

- стержен ораликларининг эни - $v = 0,016 \text{ м}$.
- стержен калинлиги - $S = 0,008 \text{ м}$.
- стержен киркими - тугри бурчакли.
- решетка кенглиги - $V_p = 2175 \text{ мм}$.
- решетка олдидаги канал киркими - $R = 2000 \text{ мм}$.
- решетка олдидаги канал чуқурлиги - $H = 3000 \text{ мм}$.

2. Решетка стержен ораликларининг сони куйидаги формула билан топилади;

$$V_p = n \cdot v + (n \cdot 1) \cdot S$$

$$2175 = n \cdot v + (n-1) \cdot 8$$

$$n = \frac{2175 + 8}{24} = 91 \text{ дона.}$$

3. Решеткагача булган каналдаги сувнинг хисобли баландлиги;

$$h_{\max} = \frac{Q \cdot K_1}{B \cdot V_p \cdot n \cdot N} = \frac{1,973 \cdot 1,05}{0,016 \cdot 0,9 \cdot 91 \cdot 1} = 1,58 \text{ м}$$

$$H_{\max} = 1,58 \text{ м}; \quad h_{\max} = 1,2 \text{ м.}$$

бу ерда; K_1 – решетканинг окимига курсатувчи каршилик коэффициенти;
 $K_1 = 1,05$

4. Шунингдек решетка олдидаги кенгайтирилган каналдаги сувнинг тезлиги – 0,4 м/сек дан кам булмаслиги керак ва Ушбу шартни текшириб курамиз;

$$V_k = \frac{Q_{\min}}{B \cdot h_{\min} \cdot N} = \frac{1,71}{2 \cdot 12 \cdot 1} = 0,71 \text{ м/сек} > 0,4 \text{ м/сек.}$$

5. Решеткадаги нопор йуколиши куйидаги формула билан топилади;

$$h_p = \xi \frac{V^2 \cdot K}{2 \cdot q} = 1,17 \frac{0,9^2}{2 \cdot 9,81} \cdot 3 = 0,14$$

бу ерда; K -чикиндилар хисобига напор йуколиш коэффициенти $K=3$.

бу ерда; ξ -махаллий каршилик коэффициенти.

$$\xi = R \left(\frac{S}{S+B} \right)^{1,6} \left[2,3 \left(\frac{\ell}{B} \right) + 8 + 2,4 \left(\frac{B}{\ell} \right) \right] \sin \alpha = 0,5 \left(\frac{0,008}{0,008+0,016} \right)^{1,6} \left[2,3 \left(\frac{0,05}{0,016} \right) + 8 + 2,4 \left(\frac{0,016}{0,05} \right) \right] \cdot 0,85 = 1,17$$

Решеткага напорт йуколишларини хисобга олган холда решеткадан кейинги канал чукуррок кабул килинади.

6. Решетка камерасининг улчамлари куйидаги формула билан аникланади;

$$\ell_1 = B_p - B_k = 2,0 - 1,6 = 0,55 \text{ м.}$$

$$2 \operatorname{tg} \gamma = \operatorname{tg} 20^\circ$$

$$\ell_2 = \frac{\ell_1}{2} = \frac{0,55}{2} = 0,27 \text{ м.}$$

7. Решетка камерасининг умумий курилиш узунлиги куйидагига тенг;

$$L = \ell_1 + \ell_2 + 1,5 \text{ м} = 0,55 + 0,27 + 1,5 = 2,32 \text{ м.}$$

8. Решетка биносининг поли-каналдаги окова сув сатхидан 0,5 м юкори булиши керак. Ушбу шартни текшириб курамиз;

$$Z = H - (h_{\max} + h_p) = 3,0 - (1,6 + 0,14) = 1,26 > 0,5 \text{ м.}$$

шартни каноатлантиради.

бу ерда H -решетка олдидаги каналнинг курилиш чукурлиги $H=3$ метр

9. Кун давомида решеткадан ажратиб олинадиган чукинди хажми;

$$W = \frac{a \cdot N_{\text{кел}}}{365 \cdot 1000} = \frac{8 \cdot 87829}{365 \cdot 1000} = 1,92 \text{ м}^3/\text{сут.}$$

бу ерда; а-йил давомида 1 кишидан чикадиган чикинди нормаси.

$N_{\text{кел}}$ – кал.куй.буйича келтирилган аҳолии сони. Чикинди зичлиги 750 кг.м, намлиги–80 %, колдиги-7,8%, соатбой нотекислик коэффиценти $K=2$.

10. Кунлик чикинди массаси;

$$P_{\text{кун}} = \frac{W \cdot 750}{1000} = \frac{1,92 \cdot 750}{1000} = 1,44 \text{ ткун.}$$

11. Бир соатга тугри келадиган чикинди массаси;

$$P_{\text{соат}} = \frac{P}{24} \cdot K_c = \frac{1,44}{24} \cdot 2 = 0,12 \text{ т/соат} = 120 \text{ кг/соат}$$

7. Кум тутгич иншоотлари.

Аэрируемый кум тутгич хисоби.

Окова сув қабул қилиш унумдорлиги-100 м³/сут дан юқори булган станциялар учун кум тутгич иншооти қабул қилинади. Кум тутгичларнинг – тангенциаль, гаризантал, вертикал ва аэрируемый турлари мавжуд. Агар станция унумдорлиги-50000 м³/сут гача булса – тангенциаль: 10000 м³/сут дан юқори булса гаризантал: 20000 м³/сут дан юқори булса – аэрируемый кум тутгичлар қабул қилинади.

Хисобли кунлик окова сув миқдорига боғлиқ ҳолда кум тутгич турларидан бирини қабул қиламиз.(Адабиёт №1, 219-бет, табл.4.2.)

АЭРИРУЕМЫЙ КУМ ТУТГИЧ ХИСОБИ.

Аэрируемый кум тутгич иншоотига қиришдаги сувнинг тезлиги 0,08-0,12 м/с булиб, айланиш тезлиги 0,25-0,3 м/с ни ташкил этади. Кум тутгичи параметрларини 3.9 жадвалдан қабул қиламиз.

1. Иншоот юзаси қуйидагича аниқланади;

$$W = \frac{Q_{\text{max}}}{N \cdot V_s} = \frac{1 \cdot 973}{2 \cdot 0,1} = 9,86 \text{ м}^2$$

бу ерда; $V_s=0,08-0,12$ м/с.

2. Иншоот эни $B=4,5$ метр қабул қиламиз, шунда чуқурлиги қуйидагига тенг булади;

$$H = \frac{W}{B} = \frac{9,86}{4,5} = 2,19 \text{ м}$$

3. Иншоот чуқурлигини $H=2,8$ м қабул қиламиз. Бунда $B:H$ булган муносабат 1,0-1,5 оралигида булиши керак.

$$B:H = 4,5 \cdot 2,5 = 1,5$$

4. Кум тутгич узунлиги куйидаги формула билан топилади;

$$L_s = \frac{1000 \cdot K_s \cdot H_s}{U_0} = \frac{1000 \cdot 208 \cdot 1,4 \cdot 0,1}{18,7} = 15,57 \text{ м}$$

узунлиги стандарт улчамга келтириб оламиз. $L_s=18$ метр. Бу ерда; H_s – кум чукишининг хисобли чукурлиги, хисоб учун гидравлик чукурлигининг ярми кабул килинади.

$K_s = 2,08$ коэффицент: В:Н ва $U_0 = 18,7$ га боглик холда 27.2. жадвалдан кабул килинади.

Аэраторлар махсус тешикли кувурлардан ясалади, тешик $D=3-5$ мм ва $0,7 \times H=0,7 \times 2,8 = 1,96$ метр чукурлардан жойлаштирилади.

5. Аэрация жадваллиги хисоб учун $3-5 \text{ м}^3(\text{м}^2 \times \text{соат})$ кабул килинади, шунда умумий хаво микдори куйидагига тенг булади;

$$V = J \cdot F = J \cdot N \cdot B \cdot L_s = 3 \cdot 2 \cdot 4,5 \cdot 18 = 485 \text{ м}^3/\text{соат}$$

6. Иншоотдан кумни хайдаш – гидромеханик система оркали амалга оширилади. Системани ювиш учун узатиладиган сув микдори куйидагича топилади;

$$Q_h = V_h \cdot \ell_s \cdot b_s = 0,0065 \cdot 13,5 \cdot 0,5 = 0,044 \text{ м}^3/\text{с.}$$

бу ерда; V_h – лотокдаги ювиш сувининг бошлангич тезлиги.

$$V_h = 0,0065 \text{ кабул килинади.}$$

ℓ_s – кум лотогининг узунлиги.

$$\ell_s = L_s - b = 18 - 4,5 = 13,5 \text{ м.}$$

$$b_s - \text{кум лотогининг кенглиги} = 0,5 \text{ метр.}$$

7. Кум тутгичи иншоотига чукадиган кум хажми куйидагига тенг;

$$W = \frac{P \cdot N_{\text{кел}} \cdot T}{1000} = \frac{0,02 \cdot 87829 \cdot 2}{1000} = 3,51 \text{ м}^3.$$

бу ерда; P – 1 кунда 1 кишига тугри келадиган кум микдори.

$$P = 0,02 \text{ (л/киши.кун): намлиги} - 60\%.$$

$$T - \text{иншоотни тозалаш мавсум} T \leq 2 \text{ сут.}$$

8. Кум тутгич иншоотидаги кум катламининг баландлиги куйидагича аникланади;

$$h_n = \frac{W}{N \cdot B \cdot L_s} = \frac{3,51}{2 \cdot 4,5 \cdot 18} = \frac{3,51}{162} = 0,021 \text{ м.}$$

9. Кум тутгич иншоотининг умумий курилиш баландлиги;

$$H_{\text{кур}} = H + h_n + 0,4 = 2,8 + 0,12 + 0,4 = 3,32 \text{ м.}$$

Кумни чуқтириш.

Кумни чуқтириш – кум майдонларида ёки гидроциклонларда амалга оширилади.

10. Кум майдонларининг фойдали ишчи юзаси куйидаги формула билан аникланади;

$$F = \frac{P \cdot N_{\text{кел}} \cdot 362}{1000 \cdot h} = \frac{0,02 \cdot 87829 \cdot 365}{1000 \cdot 3} = 213,7 \text{ м}^2$$

бу ерда; h – кум майдонига тушадиган юк кучи, бир йилга $3 \text{ м}^3/\text{м}^2$ дан ошиб кетмаслиги керак.

Карта сони 2 тадан кам булмаслиги керак. Карта атрофии яъни чегарасининг баландлиги 1-2 метр кабул килинади. Хар бир карта уртасига ёгоч тусиклар урнатилади. Майдондаги сув махсус кувурлар ёрдамида чиқарилади.

11. Кум билан аралашган холдаги сув хажми куйидаги формула билан топилади;

$$Q = W \cdot 1,5 \cdot 20 = 3,51 \cdot 1,5 \cdot 20 = 105,3 \text{ м}^3$$

Картага транспорт кириши учун – 0,2 огишда пандус урнатилади.

8. Бирламчи тиндиргичлар ҳисоби.

Радиал тиндиргич.

Бирламчи тиндиргичларнинг окова сувларни тиндириш учун хизмат килади. Тиндиргичларнинг горизонтал, вертикал, радиал типли конструкциялар мавжуд. Тиндиргич конструкцияларини танлашда, танлаб олинган майдоннинг рельефи, геологик ва гидрогеологик шароитлари урнатилади ва иншоот унумдорлигига боғлиқ холда керакли иншоот конструкцияларидан бири танлаб олинади.

Кабул килинган тиндиргичлар сони – 2 тадан кам булмаслиги керак.

Радиал тиндиргич ҳисоби – радиал тиндиргичлар йигма темир, бетон конструкцияларидан курилади. Иншоот параметрлари 3.11. жадвалдан м/соат сув микдорига боғлиқ холда кабул килинади. $T=1,5$ соат.

1. Бирламчи тиндиргичнинг окова сувни тиндириш эффекти $\Theta=50$ шунда иншоотда ушлаб қолинадиган куйка микдори куйидагига тенг;

$$C_{\text{ex}} = \frac{C_{\text{en}} \cdot 50}{100} = \frac{2141 \cdot 50}{100} = 107 \text{ мг/л.}$$

2. Тиндиргич диаметри куйидаги формула билан топилади;

$$D_{\text{set}} = \sqrt{\frac{Q_{\text{set}}}{N \cdot 2,8 \cdot K_{\text{set}} (U_0 - V_{\text{tb}})}} = \sqrt{\frac{7104}{4 \cdot 2,8 \cdot 0,45(0,65-0)}} = 46,4 \text{ м.}$$

стандарт диаметри $D=50$ м кабул киламиз.

3. Иншоотдаги хакикий сув харакатининг тезлиги куйидаги формула билан аникланади;

